



ИШОНЧ

УШБУ СОНДА:

2-бетда

ҲАЁТИМИЗ МОҲИЯТИ

3-бетда

МАҚСАД —
ИНСОННИ УЛУГЛАШ

4-бетда

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

16 июнь, сешанба 1998 йил №70 (572)

Сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади

Бўлажак тиббий Давлат дастури,
ундан нималарни кутамиз

БИЗ ТИББИЙ САВОДХОНМИЗМИ?

ЁКИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

Куни кеча матбуотда мамлакатимиз Президентининг «Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш соҳиқлиги сақлаш тизимини Ватанимиздаги ҳамда халқаро ижобий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда амалга ошириладиган тибб. иқтисодий ва демократик ўзгаришларга мувофиқ тарзда танкил этиш мақсади» мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги ва уни амалга ошириш республикамиз ижтимоий тараққиётида устувор йўналиш деб белгиланиши ҳақида Фармойиши эълон қилинди.

Инсон саломатлиги учун қиммат кўпроқ маъсулиятли? Ҳукумат, тиббий муассасалар, ишхона, маҳалла-қўй, кишининг ўзи, яқин қариндошлари ва ҳокимлар. Агар биз саволни шу йўсинда қўйиб, унга жавоб оладиган бўлсак, табиийки, бу тақсимотда ҳукумат, тиббиёт муассасаларининг улуши кўпроқ бўлади. Маъношу савол «Инсон саломатлиги ким учун?», тарзда ўртага ташланса-чи? Энди бу саволнинг жавобида «Инсоннинг ўзи» ёки «Унинг хизматидан фойдаланувчи идора» деган жавоб биринчи туради.

Нега шундай? Аслида ҳар икки савол жавоби ҳам бир мақсадга қаратилган. Нега маъсулият билан манфаат бир томонлама йўналишга эга эмас. Табиат ва ҳақиқат қонун-қоидаларида асосан маъсулият ва манфаат кўпроқ бир томонга тегишли бўлиб, булар бир-бирини тақозо эътиборида қўйиб, сизга уй-жой ёки бошқа мулкнингиздан манфаат керакми, албатта унинг асосий маъсулиятини

ҳам инсонни ижтимоий ҳимояси бosh масала сифатида турганлигини исботлайди. Сир эмас, булар орасида сохта касаллик ва рақаси орқали ишхонага моддий зарар етказиб қилинган ҳам бўлади. Баъзи мамлакатларда биздаги сингари ҳарорат кўтаришганда, ёки қон босимини ўлчаб қўйиш учун «тиббий ёрдам» чақирилмайди. Минг афсуски, Ўзбекистонда бўлаётган тиббий ёрдам қақриуларининг 15 фоизи ёлгон қақриув ёки чақиртириш зарурати бўлмаган ҳолатдаги қақриувлардир. Демак, Фармойишда айтилганидек, соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишда халқаро ижобий тажрибаларнинг ҳам ўз ўрни бор.

Инсон соғлиги масаласини бир томонга боғлаб қўйиш аслида шўролар тузиими даври маъсулидир. Аммо бу дегани шу даврда ҳукумат инсон саломатлиги масаласини тўлиғича ўз маъсулиятига олган, инсон саломатлиги учун жиддий қайғурган деган ижобий ҳулоса асасга асос бўла олмайдми. Ҳукумат шу даврда бепул даволашни тўла ўз зиммасига олиб, одамларни касал қилмаслик қарорини унутган эди. Бунинг устига ҳукумат нафақат саломатлик масаласида, балки меҳнат қилиш, яшаш, дин, эътиқод доирасидаги маъсулиятини

(Давони 4-бетда).

Галла — 98

ЎРИМ - ЙИГИМ ГОЛИБЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНАДИ

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ҳодимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги деҳқончилик саноати мажмуи моддий техникавий таъминлаш ва таъмирлаш давлат кооператив кўмитаси, «Уздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси, мева-сабзавот ва узумчилик

саноати «Холдинг» компанияси ҳамда республика деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қарорининг 1998 йил 18 мартдаги «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ ҳўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш, галла мустақилли-

ги учун курашда галлакорлар меҳнати рағбатлантириш ва илгор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида 1998 йил галла ҳўсинли тез ва сифатли йиғиштириб олишда энг илгор галлакор ижарачиси, оилавий пудратчиси, фермери ва комбайнчиси ҳўрик танловини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

лиқаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари, касабаси уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кўмиталарига кўриқни ташкил этиш ва яқун бўйича тавсиялар тайёрлаб республика кўрик-танлов гуруҳига тақдим этилди.

Ҳалиларни мукофотлаш учун ҳар бир вазирлик, кўмиита, корпорация, уюшма биттадан рангли телевизор ажратди.

Кўрик-танлов яқунлари «Қишлоқ ҳаёти», «Ишонч» газеталарида, телевидение ва радио орқали эълон қилинади. Кўрик-танлов август ойида яқунланади.



ЧЕГАРАЧИЛАР ҲАҚИДА
Шимолий Кавказнинг Махачқала шаҳри яқинида Россияга қарашли бир гуруҳ чегарачилар ўғирлаб кетилди. Номаълум кишилардан иборат куролли гуруҳ 6 нафар эркак ва 4 нафар аёл чегарачини Чеченiston томонга олиб кетган. Уқирланган чегарачилардан турт нафари — аёллар қўйиб юборилган. Бирок қолган 6 россиялик чегарачи дом-дараксиз кетган. Россия ички ишлар вазирлиги Сергей Степашин Чеченiston ички ишлар вазирлиги Казбек Махашовга мурожаат этиб, россиялик чегарачиларни қидириш ишларида кўмак беришни сўради.

ЯНГИ МОЖАРО
Сенегал мамлакатиде исён кўтарилди. Сенегал қуроли кучлари Бош штабнинг собиқ раҳбари Мане тарафдорлари мамлакатнинг ҳозирги президенти Виерага қарши кўзголон бошладилар. Ҳозир президент қилини ва собиқ ҳарбий кўмондон тарафдорлари ўртасида қуроли тўқнашувлар содир бўлмоқда.

КОЧКИНЛАР КўПАЙМОҚДА
Норвегия ҳарбий ҳаво кучларининг НАТО блокига қаршили самолётлари Косовонинг бир гуруҳ қочқинларини Сараевога олиб келди. Босния пойтахти Сараевога келтирилган қочқинлар Сербия таркибидеги албан миллатига мансуб аҳоли вакиллари бўлиб, уларнинг сони юздан ошади. Бирок Сербия ҳукумати зўр бериб қочқинларнинг сони жуда камлигини таъкидламоқда.

ЛИТВАДА МОТАМ
Литва Республикасининг шаҳар ва қишлоқларида мотам намоёншлари бўлиб ўтди. Мамлакатда собиқ совет ҳукумати фармойишига кўра литва миллатига мансуб аҳолининг Сирияга сўргун этилганига 57 йил тўлиши муносабати билан мотам кунлари ўтказилди. Литвадаги барча шаҳарларнинг кўчаларида қора тасмали давлат байроқлари осиб қилинган.

ВЛАСОВ ҲАМОН ТОПИЛМАДИ
Россия Президентининг Чеченistonдаги вакили Валентин Власов ўғирлаб кетилганига қарий 50 кун бўлди. Террорчилар ҳамон ўзларининг шартларини баён қилганлари йўқ. Россия ва Чеченiston махсус хизматлари Валентин Власовни қидириш ишларини тўхтамадилар. Бирок ҳеч қандай натижага эришилмаётди.

МЁСМОРНИНГ ҲИМИ
Бразилиялик оламга машҳур мёсмор Луис Коста 96 ёшида вафот этди. Луис Коста Бразилиянинг янги пойтахти — Бразилия шаҳрининг лойиҳасини ишлаб чиққан ва қурилиш ишларида бошчилик қилган эди. Бразилия президенти Фернандо Кардозо буюк мёсморнинг вафоти муносабати билан мамлакатда мотам кунлари эълон қилди.

ЭНГ ТЕЗКОР ПАРЛАМЕНТ
Канада парламенти қонун чиқариш борасида рекордга эришти. Парламент атиги икки соат ичида муҳим қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни қабул қилишга ҳам улгурди. Гап шундаки, бу ҳужжат Канада парламенти депутатларининг ойлик маошларини ошириш ҳамда турли имтиёзлар бериш тўғрисидаги қонун эди.

Ҳақон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

БОШОҚЛАР ЎРОҚКА КЕЛДИ

Ўтган икки йил сирдарёлик галлакорларга ўта оғир келди. Чунки далаларга қадалган галла уруғи сифатсизлиги, устига-устак пайкаллари негонега ўт босиб кетиши бу борада оқашларга сабаб бўлди. Энг ачинарлиси, далаларнинг асосий қисмидан кўзланган ҳосил олинмади. Вазият галлачиликда туб бурилишлар шашани тақозо қиларди. Негаки ўриб олинган бугдой орасида турли хил ёввойи ўт уруғи қўпилиб кетди. Вилоят ҳокимлиги тармоқдаги депсиснига барҳам беришга астойдил киришди. Энг аввало ерларни эрта кузда шудгорлаш амалга оширилди. Шундан сўнг Андижон вилоятидан серхосил «Скифянка» уруғи келтирилди. Жами 99 минг гектар майдонга ана шу навдаги уруғлик экиб ўндирилди. Бу йил Сирдарё галлазорларини кўриб қўз яшнади, дил қувонади. Бехитёр — ишласа бўларкан-ку» дейишини эътиборга олиш зарур.

8255 гектар майдонда «Скифянка» нави галла ўстиряялмиз. Бу янги ер ҳосил учун уруғ сув ва ўғитни кўп талаб қилсада мўлжалдаги ҳосилни бераркан, дейди Мирзабод туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Эркин Мамалатинов. Далаларимизда ҳосил мўл. Ўтган икки йиллик қолқлик бу йил ювилади, деган умиддамиз. Бутун сай-ҳаракатларимиз ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олишга қаратилган. Туманимизда мавжуд 47 та ўрим комбайнлари шай ҳолатга келтирилган. Эрта-индин ўроққа тушамиз.

Мазмурий идоралар томонидан эл насибасига чанг солган, унинг нобудгарчилигига сабабчи бўлган 322 киши мазмурий жавобгарликка тортилиб, давлат фойдасига 201100 сўм жарима ўндирилди. Галла экинларига катта микдорда зарар етказган 7 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Галла нобудгарчилигининг олдини олиш, экинлар сақланишида лоқайдликка йўл қўйган 5 нафар мансабдор шахслар жазо билан «сильанган». Кўриб турибдики, мизрачўликлар юксак галла хирмони тиклаш учун астойдил энг шимармоқда, бу далаларда амалга ошириладиган ишлардан ҳам маълум.

роилтар яратилмоқда. Буридан эл насибасига ўриляпти. Уни ёнгиндан сақлаш мақсадида атрофи 4 метрдан кам бўлмаган микдорда ерлар шудгорланди. Ўрим-йиғимда талаб этиладиган барча агротехник тадбирлар ишлаб чиқилди. Мақсадимиз бу йил мўл-кўл хирмон кўтаришдан иборат.

Мизрачўлик миришкорлар бу йил 301760 тонна сара дон хирмони тиклашни дилга туққанлар. Катта меҳнат ва машаққатлар эвазига кўзланган ҳосил яратилди. Далаларда чайқалиб турган бошоқлар ўроққа келди. Бўлиб ўтган жала ва дўл ҳам уларни юксак хирмон тиклаш ниятидан қайтарма олмади. Эрта-индин чўлни қудратли комбайнлар наъраси тутди. Хирмон донга тўлади. Дон эса нон демакдир. Ризқ-рўзимиз ижодкорлари ана шу лаҳзаларни интиқлик билан кутишмоқда.

Нуралла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг ўтган йилги ва бу йилнинг биринчи чораги натижалари яқунланди. Ҳозир республикамиз ўз махсулотларини ҳажонинг 60 мамлакатига жўнатмоқда. ва айни чоғда 85 хорижий мамлакатлардан махсулот олиб, уларнинг хизматларидан фойдаланмоқда.

Биз билан энг кўп махсулот айирбошлайдиган давлатлар сирасига Россия, Жанубий Кўрия, Швейцария, Германия, АКШ, Буюк Британия, Туркия, Украиналар кирлади.

Ўзбекистон йирик нефть ва газ комплексларини хусусийлаштиришни бошламоқда. Бу тадбир 2002 йилгача давом эттирилади. Ҳозирги кунда «Ўзбекнефтегаз» корпорациясига 250 дан зиёд корхона кирлади. Чет эллик инвесторларнинг 1997 йили Ўзбекистоннинг нефть ва газ саноатига киритган маблағи 600 млн. долларни ташкил этди.

«Ўзбекқишлоқмашхольдинг», Тошкент трактор заводи ва Американинг Case созратацион ўртасида «Уэйкс-Трактор» корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Дастлабки низоом фонди 15 миллион долларни ташкил этди. Лойиҳага кўра Сазо фирмасининг бутловчи қисмлари асосида универсал тракторлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Лойиҳани амалга ошириш учун ТТЗ нинг ишлаб чиқариш майдони кўзда тутилган.

Ўзбекистон пойтахтида Фредерик Эберт жамғармасининг ваколатхонаси очилдиран бўлди. Ушбу ташкилотнинг фаолияти республикада ўтказилган ислохотларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлади. Ҳамкорлик ҳақида Боннда имзоланган битим иқтисодий, фан, маориф ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришнинг турли шакл ва воситаларини кўзда тутди.

ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Европартнериариат фаолияти турли мамлакатларнинг ишбилармонлари учрашиб ўзаро фикр алмашадилар, тажрибаларини ўрганадилар, бир-бирлари билан шартномалар тузадилар, қўша корхоналар очадилар, бозор қонунлари талаб ва тақлифларини таҳлил қиладилар, бухгалтерлик ва ҳисоб-китоб ишларини умумлаштиридилар. Бир сўз билан айтганда жаҳондаги кичик ва ўртача ишлаб чиқариш корхоналарини ривожланишига, тараққиётга, одамларнинг кўпроқ манфаатдор бўлишига замин яратди. Ана шундай Европартнериариат сессиялари охириги ўн йиллар ичида 17 та Европа шаҳарларида бўлиб ўтди. Унда 30 миндан ортиқ компаниялар қатнашди, 80 мингдан кўпроқ амалий ишлар ҳаётга татбиқ



ФЕРМЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Гулбахор» деҳқон-фермер ҳўжалиги жамоаси чорва махсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳўжаликда чорвадор фермерлар сафи кенгайиб бораёттир. Ижарачи Абдурауф Мирзаев чорва махсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун озуқа экинлари парвартиришга алоҳида эътибор бораёттир.

Суратда: ижарачи А.Мирзаев механизатор З.Холиков беда майдониде

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

қилинди. Голландия ҳукумати ҳар доим уларни қўлаб-қувватлаб келмоқда. Керак бўлса кредитлар беради, чет эл фирмалари билан алоқалар ўрнатилган. Уларни ривожлантириши учун қонунлар асосида тўла ва қонқарли шарт-шароитлар яратилган. Европартнериариатнинг Голландияда бўлиб ўтган 18 сессиясига Ўзбекистондан «Фонд» фирмаси (Тошкент шаҳри), «Бекзод» фермер ҳўжалиги (Бухоро вилояти), «Тадбиркорлар ассоциацияси» (Самарқанд шаҳри), Агрофирма «Ширин» агрофирмаси (Сирдарё вилояти), «Шодлик-Р» (Янгиер шаҳри) «Бахт-Саёҳат» хусусий фирмаси ҳусусий меҳмонхонаси (Ургенч шаҳри) қатнашди.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 16 июндан бошлаб ҳисоб ва бошқарува тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	52,40
1 Аустрия шиллинги	7,04
1 Англия фунт стерлинги	146,05
10 Бельгия франки	24,00
1 Голландия гульди	43,92
10 Греция драхмаси	2,91
1 Дания кронаси	3,00
1 БАА дирхами	24,37
1 АКШ доллари	89,50
1 Миср фунти	26,30
1 Ирландия фунти	124,76
1 Испания кронаси	1,25
10 Испания песети	5,83
100 Италия лираси	5,03
1 Канада доллари	60,96
1 Ҳитой юэни	10,81
1 Кувейт динари	295,77
100 Лианв фунти	5,92
1 Малайзия ринггити	22,16
1 Германия маркази	49,51
1 Норвегия кронаси	11,68
1 Польша злотийси	25,57
10 Португалия эскудои	4,85
1 Сингапур доллари	51,16
1 СДР	18,40
1000 Туркия лираси	0,34
1 Финляндия маркази	16,29
1 Франция франки	14,77
1 Швейцария франки	11,17
1 ЭКЮ	97,73
1 Жанубий Корея вон	0,64
1 Япония иенаси	6,16
1 Россия рубли	14,50
1 Украина гривнаси	43,49
1000 Беларусь рубли	2,46
1 Латвия лати	149,17
1 Литва лити	22,38
1 Молдова лейи	18,90
1 Киргизистон соми	4,70

*/ Валюта қийматини белгиләш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарини ушбу қийматда сойтиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

Мустақиллик неъматлари: раҳбар маънавияти

Қашқадарё вилояти сессияси ва ундаги Республика Президент И. ҚАРИМОВ нутқи мамлакатимиз ҳаёти ҳолатларини ёрқин акс эттириб берди. Хусусан, Президентимизнинг раҳбар хислати маънавияти ҳақидаги куйинчаклик билан айтган фикрлари кишилар ҳаётига бевосита дахлдор бўлган раҳбар ходимларнинг ўз-ўзига яна бор танқидий кўз билан қарашга ундади.



Ҳа, бугунги раҳбар аввалги даврадагидек фақат иш режаларининг бажарилиши билан шугулланса, бир ёқламалikka йўл қўйган бўлади. Бугунги раҳбар ўзи бошчилик қилаётган ҳудудда кишилар ҳаётига тегишли бўлган ҳар бир соҳада масъул. Бугунги раҳбар хусусан халқ маънавияти юксалиши учун ҳам ўта масъулдир.

— Боёвут тумани кейинги даврда деярли ҳар йили турли соҳада режаларни ўринлатиб келади. 1997 йил ҳам Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб пахта, пилла режасини ҳам ўринлатди. Буларнинг ҳаммаси сизларнинг қолаверса мустақил Ўзбекистоннинг бахти. Бугун бир Сиз билан асосан маънавият ҳақида суҳбатлашиш ниятидамиз.

Маънавият жуда кенг қамровли тушунча. На меҳнатни, на оилани, таълим-тарбияни, на кийинишни, на динни, на мустақилликни, на санъатни, на адабиётни, на мусиқани маънавиятдан ажратиб тушуши мумкин эмас. Инсон ҳаётининг ўзи ҳам моҳият-эътибори билан маънавиятнинг маҳсулига киради.

Азал абад, аввал охир, ибтидо, интиҳо ҳам озодлик—мустақилликдир... Мустақиллик бўлмаган ерда ҳеч қандай тараққиёт ва ривожланиш йўқ. Агар босқинчилик даврларига жиддий назар ташласак, на тараққиёт, на ривожланиш бўлган, на бирор улғу зоти фаолият кўрсатган. Фар-

Аҳатқул ПРИМКУЛОВ, Боёвут тумани ҳоқими **ҲАЁТИМИЗ МОҲИЯТИ...**

босиб келган кунлардан то мустақилликка эришганимизча бирон-бир улғу истеъодларни юзага чиқишига йўл бермади. Даҳлоларимиз бешикдан чиқиб-чикмай рихлат топдилар. Бу ҳам табиий ҳол. Чунки босқинчи ҳеч қачон ўз мустақиллигини улғу кишиларнинг фаолиятларига йўл бермайди. Фаолиятга йўл берса, ўзини пойдевори билан кулатади...

—130 йил куллик-қарамликда яшаган, кўксига офтоб тоғидаган ота-боболаримиз мана шу улғу неъмат — мустақилликни кўрмалли қон йиғлаб кетдилар... хатто Қодирий, Усмон Носир, Фитрат, Чўпонлар ҳам кўролмадилар. Рухлари кўриб шод бўлгандир... жонларини шу озодлик учун нисор қилганликларига ризо бўлгандир... лекин шунга ҳам лоқайд кишилар топилади...

—Йимонсиз, эътиқодсиз кишилар ҳамма даврда бўлган. Ватанга, миллатга ҳам лоқайд бўлганлар. Бундай истеъодсиз кишилар мустақилликни ҳам лоқайд қаршиладилар. Баъзан қулқоқ «илгари яхши эди, тўқинчилик эди...»,

деган гаплар чалиниб қолади. Ёқангни ушлашга мажбур бўласан киши. Ҳар бир даврнинг, ҳар бир фаслнинг ўз гадир-будирликлари бўлади. Камчилик, хатолари бўлади. Гўзалликка осонгина етиб бўлмайди. Асосийси азал, абад, аввал, охир, деб аталмиш илоҳий озодликка эришиб олди. Тиш-тирноғимиз билан ёпишиб мана шу улғу неъмат-мустақилликни асраб қолишимиз керак. Ох, мустақиллик! Мухаббат, бахт, орзу армонга етишиш тўғриси ичда энг улғуи — мустақилликдир... ишонганда, уйингда, кўчада, уй-ҳаёлларингда, орзу армонларингда, ухлаш, туриш, оқватланганда ҳам эрисан... Аммо, лекин... кишини даҳшатга соладиган, нафратини кўзгайдиган, газабга миндирадиган воқеалар содир бўлса, юрагинг оғрийдир, кўзингга ҳеч нарса кўринмайди. Тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳукм суриб турган, яъни мустақилликимизни мустаҳкамлаб, тинчгина меҳнат фаолиятимизни давом эттираётган бир паллада ваҳожий деган кимсала қандайдир пайдо бўлди?! Улар ўзлари кимлар?! Исломга кириш учун мажбур қилин-

майти. Фақат ислонинг сифатларини банди мўминларга тушунтиради. Оллоҳ йўлида таодат-ибодатлар қилишгагина ундади. Ислон барча инсоний маънавиятни ўзида тўла-тўқис акс эттиради. Ваҳожий деганлари кимнидир ўлдирсалар, кимнидир камситсалар, кимнидир мажбурласалар, улар қандай қилиб Оллоҳга яқин бўладилар? Қандай қилиб Расуллуллоҳнинг умматлари бўладилар? Оллоҳ бизни ўз-ўзимизга, яъни инсонга, қурт-қумурскаларга, парранда-дарранда-

рига қурол олиб, кимнидир йўқотишга, кимнидир ўлдир-ришга шайланса, Ўзинг динимизга, Ислонга, Оллоҳга қандай алоқаси бор?! - Энди туман ҳақида, режалар ҳақида гаплашсак.

Боёвут туманида 40 минг гектар ер мавжуд. 31 мингдан салгина ортиқ ер экиладиган ер. 17 мингга яқин гектарга пахта экилади. 45 минг тонна пахта ҳосили кўтарилди. 1997 йили режани биринчи бўлиб ўринлатди. 27,5 центнердан ҳосил кўтарди. Фалла режасини ҳам бажарди. Пилла режамизни ҳам ўринлатиб, давлатга 50 тонна пилла топширдик. 1997 йили режани ер тўғрисидаги ҳужжатларига амал қилиб барча ерларни деҳқонларга пай асосида бўлиб берганимиз. Шартнома асосида ишларни амалга ошираётимиз. Худди шундай фермер ҳақида ҳукуматимизнинг қонунларини босқичма-босқич амалга ошириб бораётимиз. Ҳозиргина ўзингиз кўрдигиз. Табиий офатдан пахталаримиз ҳам, галламиз ҳам анчагина талофат кўрди. Кўп ерларни қайтадан бузиб эдик. Кўп ерларни қайта ишлов бериш йўли билан тиклаб олди. Биз бундай қийинчиликларни доим ҳам кўриб келганимиз. Ҳалол меҳнатимиз билан доим ҳам ваъданинг устидан чиққанмиз. Иншоолло бу йил ҳам Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб галла, пахта режамизни ўринлатамиз.

Иқтисодий қийинчиликларга қарамай янги бозор биносини қурдик. Кексаларимизга иккита янги, яъни қадимий ёдгорликларимиз услубида чойхона қуриб бердик. Янги мактаб бинolari қурилиши ҳам давом эттириб. Янги автобекет биносини ҳам хизматга топширдик. Туман 96 фойз газлаштирилди. 96 фойз ичимлик сув билан таъминланди. Режамизни ўринлатишимиз халқнинг моддий манфаатини кўтаришимизга жуда кўл келаятганини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Суҳбатлов: УСМОН АЛИ.



КАНАРГА НЕ ҲОЖАТ?...

Ҳа, ёзги таътил дамлари бошланди. Кейинги пайтда халқимиз донлардан жуда оқибатга даволанишга катта эътибор бераётган. Соғлиқни тиклаш, куч-қувват тўллаш учун албатта Канарга, ёки узок ва қimmat турадинган санаторийларга боришимиз ҳеч ҳожаати йўқ.

Маълумки, Шоҳимардон, Зомин, Чотқол, Чимён ҳаво-сию табиати Швейцариядагидан асло қолишмайди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидоги Тянь-Шань этагидо жойлашган «Ботаника» санаторисига йўлланмалар нархи анча арзон. Бу ерда каттаю кичик соғлиқни тиклаш ва дам олиш учун барча қулай шарт-шароит яратилган.

Суратларда: шифокор Зухра Еникеева машғулот ўтказаяпти. «Ботаника» санаторийси.

Раваш НУРИДИНОВ (Ўза) олган суратлар.



КИЧИК БОСМАХОНА МАЖМУАСИ

Бугунги кунда республикамиздаги қатор йирик олий ўқув юрталари ўз нарийёт ва босмахоналарига эга. Тошкент Давлат техника университетидо ҳам ноширчилик ишлари кенг йўлга қўйила бошлади.

— Олий ўқув юртининг босмахонаси янги замонавий техникалар билан жиҳозланиши билан бу ерда илмий тўплам ва матбуот нашрларини қўлаб чоп этиш имкони туғилди. — дейди университет ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари муовини доцент Эркин Тўраев. — Давлат бюджетидан ташқари тушган ҳамда илмий-техник жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик босмахона мажмуасига ҳам эга бўлди.

Бу эса нашрга тайёрланаётган тўпламларни компьютерда теришга ўтиш учун замин яратди. Бундан ташқари, компьютерда тайёрланган ўқув қў-

ланмалар асосида компьютер, аудио-видео технологияларига асосланган ўқитиш тизимларини яратиш имкониятлари ҳам туғилди.

Кейинги вақтда 7 та монография, 9 та ўқув қўлланмаси ва ўнга яқин илмий тўплам босмадан чиқди. Университетда нашр қилинган ишларнинг умумий ҳажми эса 850 босма табоқдан ошиб кетди.

Яна бир янгиликни айтиб ўтиш жоиздир. Янги матбуот нашри — «Тошкент Давлат техника университети хабарлари»ни чоп этиш йўлга қўйилди. Ушбу илмий журналнинг дастлабки сонини яқинда босилиб чиқди.

Университетнинг истиқболига доир рангли расмлар билан тасвирланган нашр ўзбек (лотин алифбосида) ҳамда инглиз тилларида тайёрланиб, босиб чиқарилди.

Ақбар АЛИЕВ.

ДАРДИЛЛАРГА ДАРМОН УПАШИЛАЯПТИ

Пахтакор туманида 4045 нафар пенсионер ишайди. Уларнинг 43 нафари уруш ногирони, 14 нафари Чернобилчи, 13 нафари байналмилал жангчи, 469 нафари фронт орқасида ишлаган фахрийлар, 256 нафари болаликдан ногирон, 6 киши биринчи гуруҳ ногирони, 30 киши меҳнат пайтида майиб бўлган кишилардир.

— Хўш, бу дардилларга қандай ёрдам кўрсатишмоқда? Умуман туманда ижтимоий ҳимоя қандай ташкил этилган? Шу каби бир қанча саволлар билан муҳбиримиз туман ижтимоий таъминот бўлими мудири, ижтимоий таъминот фахрий ходими Ўроқбой ЭРМАНОВга мурожаат қилди.

—Ижтимоий таъминот бўлимида ходимлари Президентимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фармонлари ва кўр-

500 сўмдан қўшимча пенсия мунтазам равишда берилаяпти. 5 нафар ёлғиз қариянинг уйлари оталиқ ташкилотлари томонидан таъмирланди.

Имкониятимиздан келиб чиқиб 26 нафар ёлғиз қарияга, 4 нафар 100 ёшдан ошган нафақахўрга пенсиялар тўлинилади. 7 нафар ногиронга аравача, 3 кишига эшитиш аппарати, 20 кишига хасса, 4 нафар ногиронга арипатапедик аппарат ва поймабзал, 10 нафар ногиронга йўлланма талонлар берилди. 6 нафар ногирон меҳнат биржаси орқали ишга жойлаштирилди. Ногиронлар 634 минг 450 сўмлик электр энергиядан, 1 миллион 69 минг сўмлик газдан имтиёзли фойдаланди.

— Ногиронларга байрам кунлари 104 минг сўмлик совға-саломлар берилди. 15 та етим болага, 157 нафар

Тошкент вилояти Юқори - Чирчик туманидаги Й. Охунбобоев номли деҳқон ҳўжалик уюшмаси бошқаруви раиси Иброҳимжон ТАЛАБОВЕВ билан суҳбат.

— Бизнинг ҳўжалигимиз 1998 йилдан бошлаб деҳқон фермер ҳўжалиги уюшмасига айлантирилди. Ҳўжалигимизда 2061 гектар ер бўлиб, асосан мева, узум, ёнғоқ етиштирилади. 710 гектар майдонда 198 нафар оммавий пудратчиларга бўлиб берилган. Ҳўжалик ҳосилдорлигини, самарадорлигини оширишда халқимиз шартнома асосида меҳнат қилмоқда.

Деҳқон қачонки, ерга қалб меҳри, юксак иродаси билан ёндўсоғина унинг қадрига етади. Ер унумдорлигини ошириш

ва етиштирилган даромаддан баракка топиш учун, ҳўжалик ҳам, энг аввало оила турмуши ва маънавияти юксалиб боради.

Бу борада энг аввало етакчилик маъсулиятига суянамиз, ҳар бир ишчи, хизматчи, оддий сувчи-ю, қўл ёрдамида юмшатишмоқда, нобуд ниҳоллар унинг қўллаш, парварлаш билан бандимиз.

Ҳўжалигимиздаги 550 нафар ишчининг кам таъминланган оиласига даромади миздан таъминлаб, ёғингарчиликда зарар кўрган хонадонларга моддий ёрдам бериш ҳақлар йўли билан таъмирлашга маддадор бўлиш энг аввало дилчимиздаги фарзани адо этиямиз.

Ҳўжалигимиз худудида жойлашган 20 дан зиёд мактабнинг иқтисодий ўқувчиларига, но-чор оила фарзандларига, ҳамда ҳар йили янги ўқувга илк қадам қўяётган 40 дан зиёд ўқувчиларга маънавий, иқтисодий ёрдам бериш асосий мақсадимизга айланган. Ҳамид СУЛАЙМОНОВ.

ОРИЯТ ҲИССИ

механизатор талабларини қондириш, иқтисодий ва маданий турмушининг қандай кечилишига кафолатлик ҳуқуқлари даркор.

Айни кунки-кечаги ёғингарчилик барчамизнинг сескантирди. Бирин-кетин буғдой, пахта ва сабзавот экилган майдон устма-уст

IX-XII асрларда Марказий Осиё илгор ижтимоий тафаккурнинг Шарқдаги йирик марказлардан бирига айланди. Бу даврда мажкур худуддаги давлат марказланган ва энг ривожланган паллага кирди. Буюк ипак йўли, Тинч океани атрофидаги мамлакатлар (Япония, Корея, Хитой)ни Византия ва Фарбий Европа билан чамбарчас боғлар эди. Бу эса карвон йўли орқали минглаб одамлар, от-уловлар, турли-туман товарларнинг қарам-қарини ҳаракатини, ал-машууни вужудга келтирди. Урта Осиё Европани Осиё билан боғловчи йирик моддий, маданий ва савдо марказига айланди. Бу жараёнлар бир-биридан минглаб қақирим узоқ-лиқдаги давлатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни шакллантирди. Ахир, Осиёдаги ва Европадаги товарларга бўлган талаб ва тақлифни (бозорнинг асосий ул-сурларини) яхши билмай туриб, узок ва хатарли йўлга чи-

қши мумкинми, катта карвонларни тоғу тошлардан, қум-қўллардан олиб ўтиш осонми, бунинг учун маълум қону-қонларга, амалларга таяниб иш қўриш керак бўлди. Европага қанча ва қайси товарларни олиб бориш, у ердан нима олиб қайтиш карвон йўлидаги давлатлар, халқлар талаб-эҳтїёжини яхши билш талаб этилган. Оқибатда турли бил-им соҳалари, математика (ал-жабр), геометрия (хандиса), астрономия (фалакїёт) ва бошқа қўғина фанлар ривожланди. Бу даврда бутун дунёга танилган Ал-Фароний, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Рўшд, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк ва бошқа қўллаб мутафаккирлар яшаб, ижод қилишди. Уларнинг асарларида муҳим иқтисодий гоилар ҳам ўз аксини топган. Шарқ уюғининг давридаги олимлар шу даврдаги тижорат, мулкдорлик сарларини баён этганлар. Уларнинг қўллари ҳозирги кунда ҳам бу аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Ижтимоий ҳимоя-бош масала

сатмаларини бекаму-қўст ба-жармоқда — дейди У.Эрманов — Улар айниқса дардиллар дардида дармон бўлишга интиломқдалар. Бу иш аввало туманда ташкил этилган дастур асосида олиб бориляпти.

— Бизда аввало уруш ногиронлари, Чернобилчилар, ёлғиз қарияларга тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Улар холидан устакча врачлари, ҳамширалар мунтазам хабар олиб турибди. Марказий шифохонанинг жарроҳлик ва терапия бўлимларида уруш катнашчиларига ва уруш ногиронларига даволанишлари учун алоҳида палаталар (хоналар) ажратилган. Шу кўнганда ногиронларга 112 минг сўмлик дори-дармон имтиёзли равишда тарқатилди. 34 нафар нафақахўр ва ногиронларга турли сихаттоҳларга бепул йўлланмалар берилди. 50 нафар қарияга 5 нафар ижтимоий таъминот ходимлари хизмат кўрсатмоқда. Туман ҳўқимининг қарорига кўра 22 нафар ёлғиз қарияга имтиёзлар белгиланган эди. Уларга 164 минг 339 сўмлик меъёранган озиқ-овқат маҳсулоти берилди. 14 нафар кам таъминланган пенсионерларга иш-жойларидан

болаликдан ногирон ёшларга, 10 нафар кам таъминланган фарзандларга 68 минг сўм харажат қилинди.

Байрам дастурхонларига 45 нафар уруш фахрийси, 45 нафар ёлғиз қария, 14 нафар етим бола, 200 нафар кам таъминланган оилалар тақлиф қилиниб уларга оштортиди ва совғалар берилди. «Қариялар кўни» фахрийларга 60 минг сўм, «Ногиронлар кўни» 120 минг сўм, чернобилчиларга 97 минг сўм тавон пули тўланди. Машинаси бор 11 нафар ногиронга 49 минг 160 сўмлик бензин пули берилди.

Оила йили муносабати билан туман ҳўқимлигининг қарори чиқди. Қарорга кўра 59 оила коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинди. Шунингдек 100 ёшдан ошган қарияларга, кам таъминланган 14 нафар ногиронга ойига 500 сўмдан йил охиригача 500 сўмдан пенсия тайинланди. Хуллас, туманда ногиронларни, уруш ва меҳнат фахрийларини, кам таъминланган оилаларни, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялаш президентиимиз фармонлари ва кўрсатмалари асосида ташкил этилмоқда.

Алибой ЭРТАШЕВ, Ишонч мухбири.

Абдухалла ҲАЗЗОҚОВ, ТДПУ профессори.

Хуқуқий маслаҳатхона

БАНК ТИЗИМИ.

ХУҚУҚИНГИЗНИ БИЛГАНИНГИЗ ЯХШИ

Шу йил май ойида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида республика касаба уюшма фаолларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва маъсул ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтган эди. Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Д. Жаҳонгирова бошқарган мазкур учрашувда ижтимоий ҳимоя, иш билан бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни муҳофазалашни янада яхшилашга оид масалалар атрофида қизгин фикр алмашиш, мутасадди ўртоқлар ўз соҳаларига тегишли саволларга жавоб беришганди.

Шунингдек, баъзи бир муҳим масалаларга кейинчалик ёзма равишда жавоб қайтаришга келишиб олинганди. Биз қуйида муштарийлар эътиборига Республика Марказий банки бошқаруви раиси ўринбосари Ашур ҚОДИРОВнинг жавобларини ҳавола қиламиз.

— Банк муассасалари корхоналарга ўз ходимлари касб касалликларига дучор бўлганларга муносабати билан улар қилган қўшимча сарф-харажатларини қоплаш учун ва шунингдек, ушбу касалликка чалинган пенсияонерлар ва юбилейларга совғалар сотиб олиш учун нега нақд пул беришди?

— Марказий банкнинг 1995 йил 21 июлдаги 10009/376-Д сонли хати ҳамда Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг 1995 йил 4 январдаги 34-16 сонли йўриқномасига асосан банклар томонидан корхоналарга уларнинг касб касалликларига дучор бўлган ходимларига, юқорида қайд қилинган моддий ёрдам кўрсатиш мақсади учун нақд пул бериши мумкин. Мазкур мезърий ҳужжатларга асосан банклар томонидан корхоналарга улардаги касалликка чалинган пенсияонерлар ва юбилейларга совғалар сотиб олиш учун нақд пул бериши мумкин.

Ушбу моддий ёрдам пуллари корхонанинг маблағлари ҳисобидан берилиб, унинг иш ҳақи фонди ҳисобига киритилмайди. Ушбу мақсадларга нақд пул олишда расмийлаштирилмаган чекларда, уларни ижтимоий нафақа сифатида белгилаш лозим.

Амалдаги қонунчиликка биноан юқорида кўрсатилган моддий ёрдам факатгина корхонада ишловчиларга ва шу билан бирга айни вақтда корхоналарда ишламаётган уруш ва меҳнат фахрийси бўлган пенсияонерларга тўланади.

Айни вақтда корхоналарда ишламаётган касб касалликларига дучор бўлганларга бошқа тўловлар, жумладан, касаба уюшмаси аъзоларига моддий ёрдам, касбақўм фаолларини муҳофотлаш бўйича тўловларни амалга ошириш масаласи Марказий банк сўрови асосида мутасадди идора - Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши буйруғига кўра иш ҳақи 30 фоизга оширилмоқда, овқатланиш ҳақи қимматлашганлиги учун товон пули миқдори кўпайтирилади, банклар эса иш ҳақини база чегарасида бермоқда. Шу тўғриси?

— Касаба уюшмалари ташкилотлари иш ҳақи фонди бўйича 1996 йилдан буён умумий асосларда назорат қилинмоқда. Уларга иш ҳақи Президент Фармони бўйича бюджет ташкилотлари қатори айнан бир хил миқдорда оширилади ва иш ҳақи базаси орқали назорат қилинади.

— Ҳозирги пайтда деярли барча энгил саноат корхоналари иш ҳақини натуро шаклида бермоқда. Бунда натуро шаклида берилган иш ҳақи белгиланган базавий фонд билан чегараланадими?

— Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг юқорида қайд қилинган 1995 йил 4 январдаги 34-16 сонли йўриқномасига кўра корхоналар, иш ҳақини пул шаклида ҳам, натуро шаклида ҳам беришлари мумкин. Иш ҳақи натуро шаклида берилганда ҳам белгиланган иш ҳақи базавий фонди орқали назорат қилишда ҳисобга олинади.

— Корхоналар ўзларининг банклардаги ҳисоб varaқаларидан маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш учун нақд пул маблағлари олишлари мумкинми?

— Бундай мақсадлар учун нақд пул бериш кўзда тутилмаган. Бу тадбирларни ўтказиш учун ҳисоб-китобларни нақд пулсиз йўл билан амалга ошириш мумкин. Ушбу тўловларнинг иш ҳақи базавий даражага алоқаси йўқ.

— Корхоналарнинг спорт ва маданий молларни пул ўтказиш йўли билан сотиб олишлари қандай тартибда амалга оширилади?

— Спорт ва маданий молларни харид қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Пул-кредит сиестаси бўйича республика комиссияси тасдиқлаган муассасалар, ташкилотлар, корхоналарга майда улгуржи тартибда товарлар сотиш қондалари асосида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

— Нега аҳолининг омонат ҳисоб varaқаларига пул ўтказиш йўли билан кўчириш мумкин бўлган уларнинг даромадлари рўйхатида корхоналар томонидан ўз ходимларига берилмаган фондсиз қарз киритилмаган?

— Корхоналар томонидан ўз ходимларига берилмаган фондсиз қарз, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан фарқли улароқ аниқ мақсадларга, жумладан, сотиб олинмаган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун харажатларни тўлашга ажратилади. Шу сабабли, ходимга ажратилган фондсиз қарз, корхонанинг ҳисоб varaғига пул ўтказиш йўли билан тўланади.

— Ҳақ мамлакатларга доимий яшаш учун жўнаб кетаётган фуқаролар индексацияланган омонатдаги пулларини нега мuddатидан илгари ололмайдилар?

— Индексацияланган омонат пуллари мuddатидан илгари тўлаш ҳужумат қарориде кўзда тутилмаган. Бу масалада Индексациялаш бўйича Республика комиссиясига мурожаат қилиш ёки мамлакатимизнинг биронта фуқаросига пулни кейинчалик олиш учун тилхат қолдириш мумкин.

— Нега санаторий ёки дам олиш уйларига йўлланмаларни сотишдан тушган нақд пуллари банк кассасига индексация орқали эмас, бевосита топширишга банклар томонидан рўхсат берилмайди?

Агар касаба уюшмаси ташкилотлари кассасига қўнлик тушум миқдори энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлса бевосита ўзлари банк муассасасига топширишлари мумкин. Агар қўнлик тушум энг кам иш ҳақи миқдоридан ошса, у ҳолда факат индексация орқали банкга олиб бериб топшириш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилган.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутайди. Бу нарса Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган. Муқаддам аксарият фуқаролар ўз ҳуқуқларини, қонунларни, суд жараёни тартибларини етарли даражада билмасликлари тўғрисида судда жазоланган, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи идора сифатида гавдаланиб келди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов: «...судни факат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиш керак» - деб ўқирадилар.

Шу талаблар асосида фуқаролик процессуал қонунчилиги фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини белгилайди. Бунда асосан фуқароларнинг шахсий, сийёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини, шунингдек, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар жамоа бирлашмаларини ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида қўриб чиқиш ва ҳал этиш кўзда тутилган.

Фуқаролик ишларини юритиш қонунчилиги ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга қўмаклашиш лозим.

Фуқаролар ва юридик шахслар фуқаролик ишларини судларда аксарият ҳолларда ўзлари бевосита юритадилар. Аммо баъзи савабларга кўра, қонунчи: касаллик, узоқ мuddатда сафарда бўлиши, ҳуқуқий меъёрлардан етарли даражада хабардор бўлмаглик, муомала лаёқатига эга бўлмаглик ва бошқа саваблар билан даъвогар ва жавобгар шахслар судда иш юритишни ўзи эмас, бошқа шахсга, вакилга топшириши мумкин.

Фуқаролик ишларининг судда қўрилиши жараёнида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатнашувчи шахслар-судда вакиллик қилувчи шахс деб юретилади, жиноий ишлар юзасидан суд жараёнида судланувчи тарафида туриб қилувчи шахсларни ҳимоя қилувчи шахслар деб юритади (адвокат)лар деб юритади.

Айнан ҳимоячилар, яъни адвокатлар фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта ўрин эгаллайди ва шу нуқтаи назардан, мавзумиз асоси қилиб асосан уларнинг фаолиятини ёритиш билан чегараландим.

Адвокатлар фаолияти Олий Махлисининг биринчи қақриқ VI сессиясида 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширилади.

Адвокатура ва жамият

Адвокатура тўғрисидаги қонун ўзининг янги жиҳатлари билан олдинги қонунлардан тубдан фарқ қилган ҳолда асосий мезон шахс манфаатларини ҳимоя қилишга, одил судловни амалга оширишда, суд органларига қўмаклашишга қаратилган. Уларнинг асосий вазифалари:



қонун асосида, жумладан шундай белгиланган: ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ва тушунтиришлар ҳамда қонун ҳужжатлари юзасидан озаки ва ёзма маълумотлар бериши; ҳуқуқий ҳусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиши; фуқаролик ишларини ҳамда маъмурий ҳуқуқ-бузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жинсмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга ошириши; жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқароий даъвогар,

фуқароий жавобгар сифатида иштирок этиши; тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш каби ҳуқуқларга эгадир.

Бундай харажатларни ҳимоячи ёки вакил судга қадар ва жиноий фуқаролик ишларини судда қўриш жараёнида ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

Судда вакиллик қилувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчлари вакил томонидан бериладиган ваколатномада ифодаланган бўлиши лозим.

Фуқаролар томонидан бериладиган ишончномаларни нотариуслар ёки нотариал харажатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар тасдиқлайдилар.

Агар фуқаролик ишларида вакил сифатида адвокатлар қатнашсалар адвокатлар биоролари, ҳайъатлари ва фирмалари томонидан бериладиган махсус ордер билан гувоҳлантирилади.

Фуқароларнинг ҳамда юридик шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи вакиллар қонунда кўрсатилган ваколат доирасига кирган харажатларни бажаришлари лозим. Айрим харажатлар, масалан:

шартнома ва Низом бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талабларидан бундай ёки қисман воз кечиши, уларнинг асосини ўзгартириши, микдорини камайтириши ёки қўпайтириши, даъвогарнинг талабларини тан оlishи, келишув битими тузиши, ваколатларни бошқа шахсларга ўтказиши (бошқа

Шоақбар ШОРАҲМЕТОВ, Тошкент давлат юридик институтининг профессори.



Республика ички ишлар вазирлиги нақлиёт бошқармасининг Термез темир йўл бўлими жамоаси йўловчиларни ўз манзилига тез ва эсон-омон етиб боришлари, қўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида иш олиб бормоқда. Чунончи, 924-Тошкент-Сариосиё поезди хизматчиларига яқиндан ёрдам беришаёттир.

Суратда: Эркин Ҳамроев ва Рустамжон Рамазоновлар иш пайтида.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

ҚОНУН ҲАМ КЕЧИРМАЙДИ, ЕР ҲАМ...

Суҳбатдошимиз Самарқанд вилояти судининг судьяси Арслон УСМОНОВ:

— Судьялик фаолиятингиздаги энг таъсирли, яъни мураккаб ишлардан бири ҳақида гапириб берсангиз...

— Ростини айтсам, судьялик фаолиятимдаги энг оғир ва мураккаб ишлардан бирини ақиндагина қўриб бўлидим. Одатда бирон ишнинг яқинида ҳар қандай қозим масъулиятдан ўзини салгина холи ҳис этибди. Менда эса бу сафар негадир ўзгача қайфият пайдо бўлди. Гап ишнинг қонуний ёки ноқонуний томони ҳусусида эмас, балки унга қўнлиқнинг билиб ёки билмай аралашгани ҳамда ҳўжалик раҳбарларининг ўта масъулият сизлигида бормоқда. Ахир, бир йўла 18 кишининг устидан ҳўкм чиқариш... Судья учун бу ҳолдан оғир бўлмас керак. Лекин, қонун олдида ҳар ким қўнлиқнинг жавоб бериши тайиндир.

Раҳматулла Исмаилов Иштихон туманидаги Йўлдош Охунбоев номи жамоа ҳўжалиги нефть маҳсулотлари омбори мудирини бўлиб ишга киргани, қўп ўтмай босар-тусарини билмай қолди. У кишлоқ ҳўжалигида нима осон - ёқилгини сарф қилиш осон, деган ақидани «шиор» н е ф т маҳсулотлари таъминотчиси Умар Исмаилов, ҳўжалик бошқаруви раиси Кирил Рўзиев, бош ҳисобчи Усмон Жуманов, механизация ҳисобловчиси Евков Файзиев билан тўли бириктирди. Уларга агар олиб келинган нефть маҳсулотларини ҳар бир тракторчи ёки шофёрга маълум миқдорда қўшиб ёзишса, ҳар бирдан қанча фойда қолишини обдон тушунтиришди. Ҳамтовокларга бу жуда маълум тўшди.

Хуллас, олиб келинган бензин ва солярка эталон гектарга сарфланадиган харажатга эмас, балки, ҳамтовокларнинг жигилдонларига қараб шофёр ва механизаторларга тақсимланадиган бўлди. Гараж мудирини Усмон Сиддиков ёрдамида машина ва тракторларнинг ишламаган қўнлири учун ҳам йўл varaқалари тўлағилиб, ёқилғига сарф-харажат пули ёзилверган.

Суд терговини давомида бунини шофёр ва механизаторлар тўла тан олишди. Исобот учун далилларга мурожаат қилайлик. Тракторчи Н.Худоёровга ҳўжжат бўйича 9 нинг 890 литр дизель ёқилғисини чиқим қилинган. Аслида эса унга техникасини ишлаштириш учун 3 нинг 460 литр ёқилғи берилган.

Бундай қўшиб ёзишлар 30 нафардан ортқ механизаторнинг ҳар бирига нисбатан қўнлиланган.

Қўнлиларини оқлаш учун турли баҳона ва сабабларни рўқач қилган кишилар имзоланган сохта ҳўжатлар олдида лом-лим дея олишмади.

Қўриқ-танловларда қўнлиликни қўлга киритиб, соғирин эгаси бўлдилар.

Улуғбек ҚОЗОҚОВ, «Ипояч» муҳбири.

Суратда: Тумандаги иқтидорли ёшлар лицейининг ўқувчиси Дилором МАҲКАМОВА ўзи раҳбарлик қилаётган «Адолат» гуруҳи аъзолари билан. Абдуҷалол РАҲИМОВ суратга олган.

Ибротли тадбирлар

«АДОЛАТ» КОМАНДАСИ СОВРИНДОР

— Мактабларимизда бундай тадбирларнинг йўлга қўйилганлиги тўғрисида «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ-танловини янада қизиқарли ва мазмунли ўтди. — дейди туман халқ таълими бўлими мудирини Тошпўлат Эргашев, — яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, қўриқ-танлов бугунги ёшларимизнинг «Давлат ҳўкуқи асослари» фани дарсларидан асосланган билимларини яна бир бинновдан ўтказди. Унда ўқувчилар ўзларининг турмушимизга, умумий ақоли қадриятларига, миллий урф-одатларимизга муносабатларини намойиш этидилар.



Туманда ёшларга ҳўкуқий билим бериш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилаётганлиги диққатга сазовор. Масалан, туман прокурори А. Мамадалиев бошчилигида таъзилган қатъий режага асосан, мактабларда прокуратура ходимлари, маълакали ҳўқуқшунослар, туман суди аъзолари ҳўқуқшунослик фанидан қўнлишма факультатив дарслар ўтказиб, бу борда мактаблар ўқувчиларига яқиндан ёрдам кўрсатаёттилар.

— Кўриқ танлов шартларининг мазмуани серкирралини ўқувчиларнинг барча босқичларда катта қизиқиш билан белаашувига хизмат қилди, деб сўзида давоом этади Тошпўлат Эргашев. — Гарчи ушбу шартларнинг баъзи қисмларини бажариш учун белгиланган вақт камлиги ва командалар аъзоларининг сонини «Тергов ва Суд жараёналари» сахнаси персонажлари микдоридан камлиги мунозаралар туғдирган бўлсада, беш қисмдан мазкур, ҳар бирига алоҳида мазмун ва мақсад юқлатилган бу шартлар ижроси ўқувчиларнинг ҳўкуқий билим даражаси қандай эканлигини амалда яқоқ кўрсатди. Уларнинг ўз мактаблари, туман, шаҳар ва вилоят тарихидан қай даражада хабардор эканлигини баҳолашга тўла имконият яратди.

Албатта, туманда «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ-танловларини ўтказишда ўқувчилар билан бевосита иш олиб бораётган ўз касбининг фойдалирини ўқитувчи мураббийларнинг хизмати катта.

Бинобарин, тумандаги иқтидорли ёшлар лицейининг ўқитувчиси Дилором Маҳкамова раҳбарлигидаги «Адолат» командаси аъзолари дастлаб туманда, сўнгра эса вилоятда ўтказилган

Биздан? БИРАНИНГ. Саволларингизга Республика касаба уюшмалари Бош ҳўкуқий нозирини Ҳамидулла ПРЕМКУЛОВ жавоб беради.

Мен биринчи болам учун иш жойимдан бола тарбияси учун нафақа олган бўлсам, нафақадан кейин Ўзбекистон Республикаси Фуқаросига берилган ҳўкуқга кўра хоҳлаган вақтимида иш жойимдан ариза билан бўшаб, иккинчи болам тарбияси учун ҳўжатларини ижтимоий таъминот бўлимига топширишим мумкинми?

Китоб тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимлари «мумкин эмас» деган жавобни қайтаришди. Шу тўғриси?

Муборак ўРИНОВА, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани.

Амалдаги Меҳнат Кодексининг 99-моддасига биноан ходим ҳар қандай меҳнат шартномасини, бу ҳақда иш бериувчини икки ҳафта олдин огоҳлантирган ҳолда, беқор қилиб ишдан бўшаб кетишга ҳақли.

Бола 2 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда тўланадиган нафақаларни тўлаш ҳақидаги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Меҳнат вазирлиги томонидан 1994 йил 27 июлда тасдиқланган ва 1996 йил 30 октябрда ўзгартириш киритилган) биноан ишламайдиган, шу жумладан пуллик шартнома асосида Олий, ўрта-маҳсус, касб-ҳўнар ўқув муассасаларида таълим олаётган оналарга юқорида қайд этилган нафақалар уларнинг турар жойларидаги ижтимоий таъминот органлари томонидан тўланади.

Мен, Холжигитов Қўқор 31 август 1942 йилда тутилган. Ўқитувчилик иш фаолиятим 1967 йилда бошланган ва ҳозирги кунгача шу ишда ишлаб келаман. Иш фаолиятим давомида бир неча йилда мактаб директори, директор муовини бўлиб ишладим. Тегишли идорамга мурожаат қилиб, пенсияга чиқиш тартибларини сўрасам, яна 5 йил ишлаб беришингиз керак, стажингиз етмайди, деб қайтаришди. Шу тўғриси?

Қ.ХОЛЖИГИТОВ, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани.

Сиз ўқитувчи бўлганингиз учун амалдаги қонунчиликда ўқитувчиларга бериладиган имтиёзли пенсияга чиқиш ҳўкуқидан фойдаланиб, 55 ёшдан пенсияга чиқмоқчи бўлгансиз. Бунинг учун сизни иш стажингиздан факат ўқитувчи, ўқув ва ўқув-тарбия бўлимининг мудирини (завуч) бўлиб ишлаган даврингиз ўқитувчилар даври учун белгиланган ҳўкуқни беради. Бу стаж 25 йилдан кам бўлмагани керак.

Агар сизга «яна беш йил ишлаб беришингиз керак» деб айтилган бўлса, демак қонунда кўрсатилган ўша 25 йиллик ўқитувчилик мuddатидан мактабга директорлик қилган даврингиз олиб ташланган.

Мен Ш.Рашидов жамоа ҳўжалигида шўфёр бўлиб ишлар эдим. 18 декабр 1997 йилда провения раисини номига ишдан бўшаб учун ариза ёзиб 1992; 1993; 1994; 1995; 1996; 1997; йиллар учун меҳнат таътилига компенсация тўлаб ҳисоб-китоб қилишини сўрадим. Раис кейинги икки йил учун меҳнат таътилига ҳақ тўлаб ҳисоб-китоб қилиш учун қарор чиқарди. Мен таътил олмаган йиллар учун ҳам компенсация талаб қилишим мумкинми?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 275-моддасида кўрсатилишича, меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганлиги, бошқа ишга гайриқонуний равишда ўтказилганлиги ёки ишдан гайриқонуний равишда четлатилганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий проғул вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини қўриб чиқиш чоғида меҳнат низооларини кўрувчи орган томонидан ходимнинг пул ундиришга доир талаби бир йилдан ортқ бўлмаган мuddат учун қолдирилади.

Шу Кодекснинг 270-моддасида эса меҳнат низоосини ҳал қилиш учун суд ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш мuddатлари белгилаб қўйилган. Унга биноан сизни бу масаланинг бўйича уч ойлик муҳлат белгиланган. Аммо, бу мuddат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилса, суд ёки меҳнат низооси комиссияси уни қайта тиклаши мумкин.

Демак, сиз тегишли жойларга мурожаат этиб ҳақингизни талаб қилишингиз мумкин.

Фойдаланилмаган таътил қўнлирингиз масаласига келсак, қайд этилган Кодекснинг 151-моддасига биноан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда фойдаланилмаган барча меҳнат таътиллари учун пуллик компенсация тўланади. Ходим ишлаб турган даврида эса, меҳнат таътили ҳақининг қўнлинида берилади. 1995 йилдан кейинги таътилларнинг 15 кундан ортинги пул компенсацияси билан алмаштирилиши мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда). ҳам инсондан олиб қўлган эди. Хатто инсонда касал бўлмаслик ҳуқуқи ҳам йўқ эди. Бу нима деганим. Аввало бир қиёсланг: даволаниш тўлалигича бепул деб жар солинган собиқ советлар тузумининг сўнгги йили даврида Ўзбекистонда тиф билан оғриш хозиргидан деярли 4 баробар, ўткир ичак касалликлари билан оғриш 2-2,5 баробар, вирусли гепатит билан оғриш 2 баробардан кўпроқ, гепатит В билан оғриш 2,2-2,5 баробар, қизамик билан оғриш 15-20 баробар кўп эди. Хўш, бу кўрсаткичлар сабаби нима эди. Ишлаб чиқаришда сон кетидан қувиб одамлар соғлигининг унутилганлиги, ишхонада оддийгина санитария-гигиена ҳолатининг йўқлиги, одамлар тепасидан захар сочилиши кабилар эмасми?

Табиики, бўлажак Давлат дастури бундай салбий ҳолатларга чек қўяди. Шунингдек мажбур устувор ҳужжатдан «соғлиқни сақлаш тизимини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини нодавлат сектор ва хусусий амалиётни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда белгилаш...» тadbирининг кўзда тутилши мўҳим ҳаётий заруратдир. Бугунги кунда шароит тақозо этаётган даволанишнинг базис турларининг пуллик тизимга ўтиши, одамлардан ўз саломатлиги юзасидан маъсулиятни талаб қилиш борасидаги тақлифларни юзага кели-

БИЗ ТИББИЙ САВОДХОНМИЗМИ?

шини табиий ҳодиса деб қара-
ши мумкин.

Хозир кимнинг оғзига қулоқ тутманг, дори-дармоннинг қимматлигини, даволаш муассасаларидаги етишмовчиликлардан шикоят қилади. Аввало қимматлиги бораётган фақат дори-дармон эмас. Иккинчидан, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Собиқ шўролар ҳукумати даврида Ўзбекистонда фақат меҳнат маҳсули ҳақида қайғурилган. Инсон ижтимоий ҳимояси, манфаати учун асқотадиган тadbирлар ҳақида кам ўйланган. Масалан, бор-йўғи 17 номдагина дори-дармон ишлаб чиқарилишига йўл қўйилган ҳолос. Бугунга келиб, ҳуку-
мат сайн-ҳаракатлари билан улар сони 250 дан ошди. Инсон ҳаёти учун биринчи навбатда зарур бўлган дорилар рўйхати 341-хил. Уларнинг ўндан бири қисми бизда ишлаб чиқарилаётган, ҳолос: Демак, асосий дори воситалар хозирча фақат чет эл валюта-
сига сотиб олинши шарт. Бу нафақат одамларга, давлат тиббий муассасалари учун катта қийинчилик туғдираётган. Булар бир мамлакатдан ажраб чиққан ҳар бир ёш мамлакат бошида бор. Учинчидан, нақадар анчик бўлса-
да, айтиш керак, кўп ҳолатда одамларнинг ўзига беэтиборлиги тўғрисида касаллик кўпаймоқда. Шу сабабли до-
рига талаб ортмоқда, унинг бозори чаклон бўлиб қолмоқда. Демак, дори баҳосини ту-
ширишни бир йўли касал бўлмаслик, яъни унга зару-

риятни қамайтириш. Шу маънода дастурдан ўрин ола-
ди «**ижтимоий тарбия-соғломлаштириш, оммавий спорт ҳаракати ҳамда профилактик соғлиқни сақлашни интеграциялаш**» ҳам ҳаётимизнинг энг долзарб масаласидир.

Кейинги йилларда бундай ҳолатдан қутулиш, тиббий хизматни сифат жиҳатдан яхши-
лаш мақсадида мамлакатимизда даволаш муассасаларидаги ўринлар сонини кў-
пайтириш аниқлашга борадиган берилди. Кундузги даволаш муассасалари кенгайтирилди.

Барча соҳада бўлгани каби тиббиётда ҳам хусусий бўлимлар фаолиятга кенг йўл очилди. Афсуски, бу ҳа-
ли ўз-ўзини оқлаб кетаётган йўқ. Республикада бор-йўғи 10-15 фойз тиббий хиз-
матчи шу йўлда ишлаётган. Бунга албатта шифокор кў-
никмаси камлиги, тиббий ас-
боб-ускуна, дори-дармон тан-
қислиги каби сабаблар билан бир қаторда одамларнинг бундай хизматга ҳам моддий, ҳам маънавий томондан тайёр эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақ-
лаш тўғрисида»ги Қонунида бу масалага аниқгина оидлик киритилди. Мазкур қонунда Давлат соғлиқни сақ-
лаш тизимини маблағ билан таъминлаш манбалари аниқ-
лаб берилиб, «Давлат бюджет-
жети ҳисобидан таъминлана-
диган давлат соғлиқни сақ-
лаш тизимининг даволаш-

профилактика муассасалари аҳолига бепул хизмат кўрсата-
ди»-дега таъкидланади. Кў-
риниб турибдики, инсон са-
ломатлигини сақлаш масала-
сида Давлат яна катта маъсу-
лиятни ўзидан соқит қилма-
ган. Аммо бу маъсулият шў-
ролар давридаги «маъсу-
лият»дан кўп томонлама фар-
қли. Аввало шу Қонуннинг 10-моддасида соғлиқни сақ-
лашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари ҳам фаолият кўрсатиши ва у келажакда ривожланиб бориши кўзда тутилди. Зотан ҳеч бир ғам-
хўрлик одамлардан ўз сало-
матлиги борасида бефарқ бў-
лиши тақозо этмайди. Одамларнинг саломатлик бо-
расидаги савияси ошмас экан,
давлат томонидан ажратилган маблағу ишлаб чиқилган тadbирлар етарли самара кўрсата олмайди. Масалан, Амери-
ка Қўшма Штатларида соғлиқ-
ни сақлашга ажратилган маб-
лағ оз эмас, кўп эмас, бюджет-
нинг 15 фойзини ташкил қилади. Бу бошқа мамлакатлар-
да нисбатан анча катта. Аммо болалар ва оналар ўли-
ми бўйича бу мамлакат шу маб-
лағ тақозо этадиган дара-
жада яхши эмас. Бу турмуш-
ни ташкил этишда одамлар-
нинг тиббий савиясига эъти-
бор камлигини билдирмайди-
ми?

Республикаимизда инсон соғлиғига, унинг тиббий савиясига ижобий таъсир эт-
увчи жиҳидий тadbирлар амалга ошириляпти. Хатто ҳалқаро микросдаги тadbирлар ҳам ўтиб турибди. Аммо унинг ма-

халлий формалари кўзга ча-
линмайди. Жамоа ҳўжалиги ҳисобидан касалхона курган ёки касалхона учун маблағ ажратган раҳбарлар анчагина. Лекин шу раҳбар ёки бошқарув одамлар касал бўлмаслиги учун нима иш қилди? Айтилик, қишда одамларни совуқдан, ёзда иссиқдан, юқумли касалликлардан асраш учун қандай тadbир ишлаб чиқди ёки қанча маблағ сарфлади. Уларни газлаштириш, тоза эчимлик суви билан таъминлаш кабилар ҳам том маъноси билан саломатлик борасидаги ғамхўрлик саналмайди? Ёки ўғил-қизга ғамхўр ота-она нега ҳашаматли ўй, тўй қилади-ю, уйига иссиқлик қувури ўтказмайди. Республикаимиз маблағидан, маҳаллий хоки-
миятлар маблағидан ва одамларнинг ўз чўнтақларидан касалликни даволаш учун қилинаётган сарф-хара-
жатнинг маълум қисми одамлар касал бўлмаслиги учун сарфлана эди, бунинг устига кишиларда ўз сало-
матлигига эътибор қилиш бўлганда эди нафақат касаллик юз бермаган, балки даволаш муассасалари бунда моддий жиҳатдан янада мустаҳкамланган бўларди.

Кўриниб турибдики, Президенти Ислам Каримов томонидан имзоланган мазкур Фармойиш ва шу асосда юзага келадиган Давлат дастури аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг янада яхшиланшига, шу билан бир қаторда аҳолининг тиббий саводхонлиги ошиби боришига хизмат қилади.

Чори ЛАТИПОВ.

ЯШИЛ МАЙДОН ЯНГИЛИКЛАРИ

Спорт

Франция. Футбол бўйича ХЛ жаҳон чемпионатида гуруҳларда саралаш баҳслари давом этмоқда. «Д» гуруҳида иштирок этаётган «Парагвай»-«Болгария» жамоалари учрашуви муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Чўки ушбу гуруҳ чемпионатида энг кучли гуруҳ ҳисобланади. Биринчи бўлимда «Болгария» жамоаси аъзоси Христо Стоичков парагвайликлар жарама майдончасида йиқилиб тушири ва ҳақамдан пенальти таллаб эди, аммо ҳақам бу вазиёта Стоичковнинг ўзи парагвайлик ҳимоячига келиб уриди, деб ҳисоб-
лади ҳамда қарорни ўзгартирмади. Умуман бу учрашувини очик футбол деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар икки жамоа ҳам бугун учрашув да-
вомида бир неча маротаба тўп киритиши имкониятига эга бўлишди ва учрашув кескин курашларга бой бўлди. Дарвозабонлар ҳам бу учрашувда зериқиб қолди. Боз устига унинг кўпчиликлари ҳам иборат бўлди. Иккала жамоада ҳам етарлича футболчилар сариқ карточкалар билан «сийландилар». Шундай қилиб, ушбу учрашувда ҳисоб ўчилибди, аммо бошқа дура-
нларга қараганда ўйин анча жонли ўтди.

«Саудия Арабистони»-«Дания» жамоалари учрашуви кулгандай даниёликларнинг ҳужумлари билан бошланди. Бунда айниқса ака-ука Лаудрупернинг хизматлари жуда катта бўлди. Шундай ҳужумлардан бирида Алжобирнинг зарбасини қийинчи қайтаришга муваффақ бўлди. Жарама тўпини эса Саид Свейрон тегди. Аммо Петер Шмейхел катта муҳорат билан бу зарбани қайтара олди. 2-бўлим бошда «Дания» жамоаси яна ҳужум уюштирди. Ва айнан шу ҳужумдан сўнг тўп «Саудия Арабистони» дарвозасига бориб тушиши мумкин эди. Агар гол бўлганда бунда биринчи бўлиб ҳақам айбор бўлган бўларди. Чўки Лаудруп майдон чизи-
ғини кесиб ўтган тўпини саудийликлар жарама майдончасига етказиб берган эди. Учрашувнинг 68-да-

қиқасида даниёликлар ҳисобни очига муваффақ бўлишди. Тўп муаллифи - Марс Рипер. Уйин 1:0 ҳисобида даниёликлар фойдасига ҳал бўлди.

Марсалда майдон эгалари Франция терма жамоаси ўларнинг дастлабки учрашуларини Жанубий Африкалик футболчиларга қарши ўтказдилар. Ушбу учрашувда чемпионат баҳсларидаги дастлабки йирик ҳисоб қайд этилди. Биринчи бўлимнинг 35-дақиқасида французлик футболчи Христоф Догарри бурчакдан ошириб берилган тўпини қалласи билан Жанубий Африкаликлар дарвозасига йўллаб, ҳисобни очига муваффақ бўлди. Ҳудди шундай бурчакдан оширилган тўпини 2-бўлимнинг 30-дақиқасида Юрий Жоркаевф меҳмонлар дарвозасига қойилмақом қилиб киритди. Орадан 16 дақиқа ўтган, 12-рақам остида ҳаракат қилаётган Херри Хенри тегган тўпини ЖАР жамоаси ўйинчиси Перри Исса қайтармоқчи бўлди ва бунинг устидан чиқа олмади, натижада тўпини ўз дарвозасига киритиб юборди. Шундай қилиб, «Франция»-«ЖАР» жамоалари учрашуви 3:0 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди.

Гуруҳларда саралаш баҳсларининг энг сермахсулларидан бири «Д» гуруҳида тўп суратган «Испания»-«Нигерия» жамоалари учрашуви бўлди. 21-дақиқада нигерияликлар дарвозасига Йерро киритган тўп билан ҳисоб очилди. Рақиблар дарвозасига бир тўп киритган испаниялик футболчилар хотиржалликка берилдилар ва бундан унумли фойдаланган нигерияликлар ўйинчи Мути Аделочи бурчакдан оширилган тўпини тўпга-тўғри испанияликлар дарвозасига йўллаб, орадаги вазиёти тенглаштирди. 2-бўлим бошида «Испания» терма жамоаси ҳужумчиси Рауль 20 метр-
лаз узоқликдан тўп тепиб, ҳисобни 2:1 га етказди. 74-дақиқада нигериялик Гарба Лаваль бурчакдан оширилган тўпини Антони Субисретта қўриқлаётган дарвозага йўлла-
ди ва бу тўп дарвозабоннинг қу-
лига теккан ҳолда дарвозага кириб кетди. Бу билан 124 марта мамлакат шарафини ҳимоя қилаётган Субисретта жуда хатога йўл қўйди. Орадан бироз вақт ўтган ҳудди шундай вазиёти яна такрорланди. Нигериялик Санди Олисеҳ 35-40 метрлар ҳамаси узоқликдан тегган тўпини Субисреттанинг ўзи дарвозага киритиб юборди. Асосий вақтдан сўнг қўшимча 4 дақиқа вақт берилса-да, орадаги ҳисоб ўзгармади. Учрашув 3:2 ҳисобида «Нигерия» терма жамоаси фойдасига ҳал бўлди.

«Е» гуруҳида саралаш баҳсларида иштирок этаётган «Корея»-«Мексика» жамоалари учрашуви ҳам кескин курашлар остида ўтди. 1-бўлимнинг 28-дақиқасида корейлик Ҳа Сек Чўнунг тегган жарама тўпи мексикаликларнинг жонли деворига тепиб ўтди, дарвоза бурчакчага бориб тушибди. 51-дақиқада мексикаликларнинг бурчакдан ошириб берилган тўпидан сўнг корейликлар ўз жарама майдонларидан кўп ҳаракат қилишди. Бундан унумли фойдаланган Рекардо Пеласи учрашувдаги вазиёти тенглаштирди. 2-бўлимнинг 30-дақиқасида «Мексика» терма жамоаси футболчиси Луис Эрнандес киритган икки тўп мексикаликларга галаба келтирди. Уйин 3:1 ҳисобида «Мексика» терма жамоаси фойдасига ҳал бўлди. Ушбу гуруҳда тўп суратган «Голландия»-«Бельгия» жамоалари учрашувда уйин кескин курашлар остида ўтган бўлса-да, ҳисоб очилмади.

«Н» гуруҳида иштирок этаётган жамолар ўларнинг дастлабки учрашуларини ўтказишди. «Аргентина» жамоаси ҳужумчиси Габриель Батистутта 28-дақиқада япониялик ҳужумчиларни ёриб ўтди, жарама майдонидан тўпини охирагина тегди ва ҳисобни очди. Ушбу ҳисоб ўйин охиригача сақланиб қолди. Шу гуруҳдаги «Ай-
мак»-«Хорватия» жамоалари учрашуви 1:3 ҳисобида ямайкаликлар фойдасига ҳал бўлди. «Эрон» терма жамоаси футболчиларига имконияти бой берилди.

ЎЗБЕКИСТОН. Бугун Тошкент МХСК стадионида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатининг саралаш учрашувлари бошланди. Унда 6-гуруҳда иштирок этаётган мамлакатимиз терма жамоаси, Ироқ, Бутан ва Малиёв футболчилари ягона йўлнамани учун баҳс юритишди. Мамлакатимиз терма жамоаси мураббийлари С.Эрматов ва В.Бородавкинлар ушбу мусобақага жиҳидий тайёргарлик қўришди. Бугун биринчи учрашув «Ироқ»-«Малиёв» жамоалари ўртасида боради. Маълумки, гуруҳ баҳсларининг фақатгина голиб жамоаси сентябрь ойида Катар давлатида ўтказиладиган финал босқичи беллашуварига йўлланмани қўлга киритади.

Менимча, гуруҳ баҳслари кескин ва муросасиз курашларга бой бўлади, - дейди Малиёв ороллари терма жамоаси ва мазкур гуруҳ саралаш ўйинлари комиссари Аббос Муҳаммад Хасан жаноблари. Одатда асосан майдон эгаларининг имкониятлари юқори бўлади. Лекин «Ироқ» терма жамоаси ҳам улардан қолишмас керак.

Олий табақа жамоалари ўртасида 13, 14-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди:


13-тур
«Бухоро»-«Сурхон» - 0:0
«Нефтчи»-«Зарафшон» - 3:1
«Темирйўли»-«Хоразм» - 3:1
«Андижон»-«Металлург» - 2:1
«Трактор»-«Косонсой» - 1:0
«Насад»-«МХСК» - 3:0
«Суддиёна»-«Пахтакор» - 1:1
«Дўстлик»-«Навбахор» - 1:1
«Косонсой»-«Дўстлик» - 2:2

14-тур
«Пахтакор»-«МХСК» - 3:0
«Навбахор»-«Насад» - 0:0
«Зарафшон»-«Трактор» - 2:0
«Металлург»-«Нефтчи» - 1:4
«Хоразм»-«Андижон» - 2:0
«Сурхон»-«Темирйўли» - 0:2
«Суддиёна»-«Бухоро» - 3:0
«Суддиёна»-«Дўстлик» - 2:2

11 июнь кунини Ўзбекистон қўбонининг 1/2 финал ўйинларига қўра ташланди. Жуфтлиқ голиблари юқорилардан фарқи ўлароқ икки ўйин натижасига қўра аниқланди. Шундай қилиб, чорак финалда қуйидаги жамолар беллашадилар:

«Пахтакор»-«Суддиёна», «Нефтчи»-«Насад», «Навбахор»-«Дўстлик», «Бухоро»-«Трактор». Баҳслар 17-25 июнь кунлари бўлиб ўтади.

Донмёр ЮСУПОВ, шарҳловчи.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «Меҳрури» сугурта компаниясининг 1998 йил 1 январга бўлган йиллик ҳисоботи

Манзил: Тошкент ш. Бухоро кўчаси, 24. ИНН 202817384.

АКТИВ	минг сўм	ПАССИВ	минг сўм
1. Асосий воситалар	936,3	1. Қисқа мuddатли қарзлар	13688,1
2. Номоддий активлар	171,9	2. Бошқа пассивлар	67,9
3. Бошқа ташкилотларга берилган маблағлар	9429,8	КАПИТАЛ	
4. Ишлаб чиқариш захиралари	29,2	3. Устав капитали	400,0
5. Пул маблағлари	6699,8	4. Қўшилган капитал	3062,0
6. Бошқа активлар	174,7	5. Тақсирланмаган фойда	223,7
Балансининг активи бўйича жами	17441,7	Балансининг пассиви бўйича жами	17441,7

Йиллик ҳисоботда кўрсатилган маълумотлар «Луал» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 14 апрелда берилган 435 рақамли лицензия).

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

ХАРТАНГДА ИШ ҚИЗГИН

Имом ал-Бухорий ҳазратларининг муқаддас хоки мангу кўним топган Челақ туманидаги Хартанг қишлоғида амалга оширилаётган улғувор ишлар беназир аллоҳма шахсига бўлган юксак ҳурмат, эътибор намунаси бўлмоқда.

Хозир Хартангдаги Имом Исмоил ал-Бухорий масжид мужмуасини қайтадан қуриш, таъмирлаш ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Бу ишларнинг бир қисми ҳашар йўли билан бажариляпти. Масжидга элтувчи Оқдарё кўпригиндан ўтган жойдаги Ястена атрофини ободонлаштиришда уруглиқ усталар фидойилик кўрсатмоқда. Шунингдек, улар бу ерда 150 метрлик мрамар девор тиклаш ишларида ҳам фаол иштирок этяпти. Бу қурилиш ва тиклаш ишлари кўпчилиқнинг хайр-эхсон пули ҳисобига тикланаётгани эса қишларнинг ўтмиш меъросига, азаллий қадриятларга нисбатан меҳр-муҳаббат, авлодларга эҳтиромни тимсоли сифатида намоян бўлаётган.



Х.ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири. Суратда: бир гуруҳ уруглиқ усталар. Р.ЖУМАНИЕЗОВ ЎЗА/ олган сурат.

Маълумки, давлатимиз томонидан кам таъминланган оилаларга, касалманд ва ногиронларга, кўп болали оилаларга, умуман аҳолининг муҳтож табақасини ижтимоий қўллаб-қувватлашга жиҳидий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳаёт йўлидан адашган, билиб билмасдан жиноят қўчасига кириб қолганлар ва тегишли ҳазонини ўтаб -қақмадан қайтган шахсларга ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ушбу қарорга биноан жойларда қандай ишлар амалга ошириляётгани билан қизиқдик.

Шу мақсадда Бектемир туманида бўлдиқ. Туман хокими 1995 йил 20 февралда «Озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан ҳазонини ўтаб қайтган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш марказини ташкил этиш ҳақида»ги қарорга имзо чекиди.

Мазкур марказ - (ҳозирги кунда туман хокимлиги адаптатилган бўлиши деб аталади)га яъни туман ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўлимига Жанобил Аслонов раҳбарлик қилмоқда.

Биз Ж.Аслоновдан бўлим фаолияти ҳақида, умуман олиб бориляётган ишлар хусусида сўзлаб беришни сўрадик.

Дастлаб марказни хокимлик адаптатилган бўлимига айлантиришдан бошлашга, барча ташкилий ишларни қўриб, тегишли ҳужжатларни тайёрла-

қан бўлса, шундан 48 нафари бўлиминизга келиб, рўйхатдан ўтди. Моддий ёрдам сўраб келган шахслардан 40 нафарининг талабини қондирдик... 10 кишини ишга жойлаштиришга йўл-
ланма берганимиз. 2 киши ишга жойлашди, қолганлари ҳам жойлашув арафасида.

Очилишни айтиш керак, жамиятимизда ҳамон қамқоқ мuddатини ўтаб чиққанларга бошқача кўз билан қаралади. Ташкилот ва корхоналарнинг мутасадди раҳ-

барларидан сўраб-суриштирдик, натижа бўлмади. Бандлик хизмати ходимлари билан тегишли муаммоларни қишлоқ қишлоқ қилдик. Меҳнатимиз эзе кетмади. Хоким қарори бўйича 7 фойзлик квота ажратилган иккита корхонада ҳам биттадан бўш иш ўринлари мавжудлиги аниқланди. Шу йўл билан, дарҳол икки кишини иш билан таъминлашга муваффақ бўлдик.

Уларнинг ичида соғлигини йўқотганлари анчагина. Ҳа, деганда улар даволана олишмайди. Негаки дори-дармон нархи қиммат, уларда эса дорини сотиб олишга имкони йўқ. Ҳужжатларини расмийлаштиришда айрим лойқаб мутасаддиларнинг «эрта кел, индинга кел-индан қийналишди. Айвобусда юришда пули йўқлиқдан кўпроқ пивёда юришга мажбур. Айримлари югур-югурдан беазор бўлиб, бошлаган ишини чала ташлаб кетишди. Ана шундай шахсларга қўлимиздан келганча ёрдам бериб, тегишли ташкилот раҳбарлигига телефон орқали ёки хат орқали муурожаат қилганимиз.

Хуллас, бизга ёрдам сўраб келган шахсларнинг қонунини талаб ва истаганини имкони бориича қондирдишда бор билим ва қучимизни аямаямиз. Мақсадимиз ҳаётда йўлидан адашган кишиларни тўғри йўлга солиш ва шу орқали жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда уларнинг қайта жиноят содир этмасликлари учун мажбур ижтимоий таъмирлаш ишга солишдан иборат.

С.РУСТАМОВ, «Ишонч» мухбири.

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

са, ётоқхонага жойлаштириш, фойдала меҳнат қилиш истаги бўлса, иш билан таъминлаш, бемор бўлса, шифохонада даволаниб чиқиши учун кўмаклашиш кабилардан иборат.

Утган йил давомида муқаддам судланганлардан бир неча кишини рўйхатдан ўтказдик. Улар турли маънода ёрдам сўраб келишди. 21 нафарига тегишли микдорда моддий ёрдам пули берилди. 5 нафари Меҳнат биржаси орқали, 20 нафари бизнинг йўлнамасимиз - савий-ҳаракатимиз билан ишга жойлаштирилди. 1 киши ётоқхона билан таъминланди. 1 кишининг шифохонада ётиб даволанишига имкон яратдик. 4 киши меҳнатга яроқсизлиги сабабли, ногиронликка чиқарилди.

Жорий йилда туманимиз бўйича 56 шахс озодликка чиқ-

ИШОНЧ

Бош муҳаррир уринбосари:
Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси: 36-25-36
Бош муҳаррир уринбосари: 36-52-89
Масъул котиб - 36-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт: 36-82-79. Аябдор ва спорт: 36-87-63. Меланга ва маданият: 36-82-79. Халқаро оммавий ишлар ва муҳаббат билан ишлар: 36-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ: 36-85-46.

Ғайи 1991 йил 21 мартдан чўки бошланган Сотишда ўзбекистонда **Маълумот: 700165,**
Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй. **Нашр қилувчиси:** 133; 134

Ғайи 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 2 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризация теребиди ва сақиб қилинган. Офсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тўпоқ

«Ишонч» нашрий-маъбада компанияси Босма маълумот «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширишди 21.40